

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан  
2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

биринчи – Фанлар академияси ташкилотлари томонидан 2023 йилга мўлжалланган **6,46 миллион доллар** ҳажмида маҳсулотлар экспорти тўлиқ бажарилиши таъминланди;

иккинчи – Долзарб илмий йўналишлар бўйича янги илмий лойиҳалар сонини **20 тагача** етказилди;

учинчи – Фанлар академиясининг жаҳондаги нуфузини ошириш мақсадида халқаро тан олинган журнallарда **200 дан ортиқ** мақолалар чоп этилди;

тўртинчи – Фанлар академияси тизимидағи ташкилотларда докторлик диссертациялари ҳимоя қилинишини жами **140 тага** етказилди;

бешинчи – “Инвестиция дастури доирасида **11 та** илмий-тадқиқот муассасаси биноларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида ажратилган **жами 36.4 миллиард сўм** микдорида маблағ тўлиқ ўзлаштирилди;

олтинчи – термитларга қарши самарали ва ўзига жалб қилувчи ҳамда улар микдорини назорат қилиш хусусиятига эга бўлган **патоген ем-хўрак** яратилди ва Хива шаҳридаги Жума масжиднинг **213 ёғоч устунида** термитларни зарарини олдини олиш ва курашиш бўйича инъекция усули яратилди.

**Чорвачилик йўналишидаги тадқиқотлар натижалари**

Наманган вилоятида Исмалоқда-альтернариоз, Мошда баргларни доғланиши – серкоспориоз касалликлари Ўзбекистонда ilk маротаба аниқланди. Бухородаги қовун далаларининг фитосанитар ҳолати баҳоланиб, унинг навларидан қатъий назар фузариоз билан заарланиш белгилари ва баъзи ҳудудларда эса тупларни бутунлай қуриб қолганлиги кузатилди. Наманган вилоятида ilk бор Оқ ловияда занг (*Uromyces appendiculatus*), ўрикда ун-шудринг (*Podosphaera tridactyla*), кузги бошқарамда фузариоз (*Fusarium sp.*) касалликлари қайд этилди. “Наманган вилояти мева, сабзавот ва полиз экинлари патоген замбуруғлари” электрон маълумотлар базаси яратилди.

Қорақалпоғистон уй ҳайвонларида гельминтларнинг 35 та тури аниқланди. Кўйларда - 30 тур, қорамолларда – 28 ва эчкиларда - 25 тур гельминт учраб, улар аксарият ҳолларда ассоциатив (аралаш) ҳолатда намоён бўлади. Қорақалпоғистон ҳудудидаги оралиқ хўжайинларда 40 тур гельминт личинкалари қайд этилиб, уларнинг 26 тури моллюскаларда ва 14 тури эса ҳашаротлар иштирокида ривожланиши аниқланди. Уларнинг вояга етган шакллари умуртқали ҳайвонларнинг турли вакилларида паразитлик қилиб, паразитологик жараён “умуртқали ҳайвонлар - моллюска”, “умуртқали ҳайвонлар - ҳашаротлар” тизимларида амалга ошиши очиб

берилди. Моллюскаларининг заарланиши - 1,7-25,5%, Гельминт личинкалари билан ҳашаротларнинг заарланиши 11-14,4% ни ташкил этади.

Мевали боғларда 2 синф, 5 туркум, 9 оиласа мансуб 24 тур зааркундалар аниқланди. Улардан 6 тур доминант тур сифатида қайд этилди. Мевали боғларда учровчи энтомофагларнинг 6 оила ва 9 авлодга мансуб 9 тур энтомофаглар аниқланди, улардан 5 тури доминант сифатида қайд этилди. Мевали боғларнинг асосий зааркунанда ҳашаротлари ва энтомофагларнинг тарқалиши ГАТ харитаси ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар асосида “Данак мевали боғларнинг асосий заракунандалари” номли маълумотлар базаси яратилди ва №DGU 31729 маълумотлар базасига гувоҳнома олинди. Маълумотлар базаси асосий зааркундалар тур таркиби, таксономияси, зарари, уларнинг морфологик тавсифлари ва биоэкологияси ҳамда қарши кураш чораларини тўғри ташкиллаштириш хақидаги маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган. Экологик жиҳатдан безарар ҳимоя воситаларини ўрганиш мақсадида олма меваҳўрига (*Cydia pomonella* L.) қарши курашиш учун ядро полиздрози вируси штамми ажратиб олинди. Вирус штамми олма меваҳўри *Cydia pomonella* L. учун юқори даражада патогенлик хусусиятига эга ва бошқа ҳашаротлар учун мутлақо ҳавфсиз бўлиб, биологик самарадорлик 50,3% - 88,5% ташкил этди.

2-Пропиониламинонензимиазол синтезининг асосий қулай шароитлари аниқланди. Кўп миқдорда синтез қилинган, 2-пропиониламинонензимиазол асосида 10% ли суспензияси тайёрланди ва ЎзВИТИ томонидан антигельминт фаоллиги ўрганилди, олинган натижалар асосида патентга талабнома топширилди. Оптималь шароитда олинган 6-нитрохинозолин-4-оннинг 2.0% суспензиясидан кенг дала синовлари учун етарли миқдорда олинди ва ғўза тунлами қуртига нисбатан самарадорлигини аниқлаш учун синовларга берилди. Ҳамкорликда бензимиазол ҳосилаларининг сувда эрувчи шаклларини олиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

*F. kuhistanicani*нинг сувда эрувчи полисахарид Арбифилан озуқа кўшимчаси қуёnlарнинг тана оғирлигининг кунлик ортишига таъсири кўрсатиб берилди. *Haplophyllum perforatum* ўсимлигини экстракти асосида ишлаб чиқилган шартли равишда Хаплоцит деб номланган инсектицид воситаси флавоноидларининг миқдорий таркиби аниқланди.

*Helicopvera zea*, *Trichoplusiya ni*, *Spodoptera frugiperda* каби уч турдаги ҳашаротлар ҳужайраларида 37 та модданинг инсектицид фаоллиги ўрганилди. (ЎзР Патенти № IAP 07411). Йил давомида жами 272 табиий моддалар, экстрактлар ва синтетик моддалар бўйича биологик фаоллиги текширувдан ўтказилди.

Жумладан, чорвачиликда силос ёки сенаж тайёрлашда фойдаланиладиган “Имбиокон” биоконсерванти 2021 йилда Давлат Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида рўйхатдан ўтказилган. “Имбиокон” биоконсерванти Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг FAP 01493-сонли патенти билан ҳимояланган.

Чорвачилик учун “ProBioKorm” пробиотик озуқа-ем қўшимчаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси рўйхатига киритилган. “ProBioKorm” пробиотик озуқа қўшимчасининг ТИ 03535533-011:2021-рақамли технологик йўриқномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. “ProBioKorm” пробиотик озуқа қўшимчасининг суюқ шакли учун ВП 0996-21.000996-рақамли гувоҳнома; “ProBioKorm” пробиотик озуқа қўшимchasининг қуруқ шакли учун ВП 0997-21.000997-рақамли гувоҳнома олинган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Балансланган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциациясини қўллаб чорвачилик, паррандачилик ва бошқа органик чиқиндилардан биогаз ҳамда экологик тоза биоўғит олишнинг биотехнологияси яратилган ҳамда тижоратлаштиришга тайёрланган.

Чиқиндиларсиз, экологик соф озуқа-ем қўшимчаси ёки силос ачитқиси сифатида фойдаланиладиган “Trichostim” биопрепарати ишлаб чиқишининг технологик асослари яратилган.

“Наслдор қоракўл қўйларининг геномини ўрганиш асосида генодиагностика усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиха устида иш олиб борилмоқда. Хусусан, қорақалпоқ сурি ва бухоро суринамгиши қоракўл қўчкорларнинг (20 намуна) қон намуналаридан ДНК ажратиб олинди ва 120 та микросатилет маркерлари билан полимераз занжир реакцияси ўтказилди.

### **Ўсимликлар биохилма-хиллиги**

“Ҳаёт дараҳти: Ўзбекистон бир уруғпаллалилари” мавзуда *Elymus* L. туркумининг 7 турига маркерлар панели қилиниб, шу асосида маҳсус праймер дизайн қилинди. *Fritillaria* L. туркумига тегишли 2 та *F. sewerzowii* ва *F. stenantha* турлари учун хромосома таҳлили амалга оширилди. *Fritillaria* L. туркуми 36 та турлари ядрорий ва хлоропласт ДНК асосида филогенетик дараҳт қурилди. Сурхондарё вилоятининг Боботоғ тизмасидан топилган *Fritillaria* L. туркумининг *Rhinopetalum* туркумости гуруҳига мансуб тур молекуляр ва морфологик жиҳатдан янги турлиги исботланди. *Tulipa* туркумининг (27 тур) ядро ва хлоропласт дараҳтлари орасида йирик фарқлар топилди, уларнинг сабаблари илмий жиҳатдан исботланди.

Ўзбекистоннинг турли экологик-фитоценотик шароитларидан жами 15 тур иштирокида 79 та ценопопуляция ажратилди. 2 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Животовскийнинг дельта-омега классификациясига кўра 31 та ценопопуляция ёш, 17 та ценопопуляция етилган ва 10 та ценопопуляция етилаётган, 12 та ценопопуляция ўтувчи, 6 та ценопопуляция қариётган ва 3 та ценопопуляция қари типга хослиги аниқланди. Доривор аҳамиятига эга бўлган айрим турларнинг (*Cichorium intybus*, *Inula helenium*, *Inula macrophylla*) табиий ресурслари ҳолати аниқланди.

Жорий йилда геобоғланган гербарий маълумотлари 27059 та янги намуналар билан бойитилиб (43.4%), 62204 қаторга етказилди. Тўр тизимли хариталашда 884 индекснинг (5x5 км) 818 тасида максимал даражада SR=615

тур ва CD=802 намуна мавжудлиги аниқланган. Ўртача SR=54, CD=76 ни ташкил этди. “0” қийматга эга бўлган индекслар 66 тага тенг бўлиб, 2022-йил билан таққослагандага 26 тага қисқарди. Урбанизациялашган (SR=279, CD=2601) ва экин майдонлари (SR=521, CD=679) флораси таркиби аниқланди. Тадқиқот ҳудуди флорасида маҳаллий элементларнинг тутган ўрнини аниқлаш мақсадида Тоғли Ўрта Осиё турлари (61 оила, 253 туркум, 726 тур = 32%) таркиби аниқланди. Ўзбекистон флораси учун янги *Gagea pakistanica*, *G. wallichii*, *Astragalus tatjanae*, *Lallemantia baldshuanica* аниқланди.

Чотқол қўриқхонаси учун 778 тур, Угом-Чотқол миллий боғи учун 1637 тур, Угом-Чотқол биосфера резервати учун 1063 тур, Далверзин ўрмон ва ов хўжалиги учун 260 тур аниқланди. GBIF интернет порталига Чотқол қўриқхонаси флораси рўйхати киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 7-ноябрдаги 914-сонли ВМ қарорига мувофиқ 71 та “Қизил китоб” ва 56 та доривор турлар бўйича кадастр маълумотлари тайёрланди. 11 та эндемик “Қизил китоб” тури бўйича IUCN Қизил китоби мезонлари бўйича ҳар бир тур баҳоланди. Ўзбекистон Қизил китобининг янги нашри бўйича тоифалар ва мезонлар ҳамда турлар бўйича маълумотлар тайёрланди, 8 та ноёб тур учун биоиқлим моделлари яратилди. “Ўзбекистон флораси кадастри: Тошкент вилояти” монографияси нашрга тайёрланди.

Шимоли-Ғарбий Қизилқум (ШҒҚ) мисолида, илк бор республикани геоботаник районлаштириш тизими ишлаб чиқилди. 81 та яйлов хилларини ўз ичига олган ШҒҚ (жанубий қисми) яйловларининг замонавий таснифи ишлаб чиқилди. 22 та индикатор кўрсаткичлар асосида ҳудуднинг яйловларининг кадастри ишлаб чиқилди. Шимоли-Ғарбий Қизилқум жанубий қисмининг 2 млн. 242 минг гектар майдони тўлиқ рақамлаштирилди ҳамда 88 та харита бирликларидан таркиб топган ҳаритаси тузилди. Геоботаник маълумотларни IBIS 7.2 дастурига аккумуляция қилиш асосида 350 дан ошиқ геоботаник қайдномаларни ўзида мужассамлаштирган “Шимоли-Ғарбий Қизилқум ўсимлик жамоаларининг электрон маълумотлар базаси” шакллантирилди.

Ўзбекистоннинг турли экологик-фитоценотик шароитларидан жами 15 тур иштирокида 79 та ценопопуляция ажратилди. 2 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Животовскийнинг дельта-омега классификациясига кўра 31 та ценопопуляция ёш, 17 та ценопопуляция етилган ва 10 та ценопопуляция етилаётган, 12 та ценопопуляция ўтувчи, 6 та ценопопуляция қариётган ва 3 та ценопопуляция қари типга хослиги аниқланди. Доривор аҳамиятига эга бўлган айрим турларнинг (*Cichorium intybus*, *Inula helenium*, *Inula macrophylla*) табиий ресурслари ҳолати аниқланди.

Ботаника боғига интродукция қилинган Rosaceae оиласи таҳлил қилиниб (жами 529 тур), аввал мавжуд интродуцент 341 та турнинг сақланиб қолмаганлик сабаблари асослантирилди. ЎзР Қизил китобига киритилган *Rupica granatum* дан вегетатив усуlda 62,5 %, *Diospyros lotus* нинг стратификация қилинган уруғларидан эса очиқ грунтда 80,1 % натижага

олинди. Айрим интродуцент *Pyrus korshinskyi* Litv., *Tetradium daniellii* (Benn.) T.G. Hartley ва *Taxus baccata* L. турларнинг ўсиш ва ривожланиши, уруғ маҳсулдорлиги ўрганилди. Экспозицияларида 1 тадан қолган турларни кўпайтириш мақсадида 22 оила, 33 туркум, 40 тур, 7 форманинг уруғкуртаклари *in vitro* лабораториясига қўйилиб, айни вақтда 20 турнинг кўчатларини илдиз олдиришга эришилди. Шулардан 12 таси Ботаника боғи учун янги ҳисобланади. Тошкент Ботаника боғига 9 та оила, 14 туркумга мансуб 22 та турнинг 74 дона тирик намунаси ҳамда 654 дона қаламчалари олиб келинди.

«*Acer platanoides* L. Crimson king (Aceraceae Juss.) тури микроклонал кўпайиш усули»нинг протоколи ишлаб чиқилган. «*Corylus avellana* L. (Betulaceae Gray) тури микроклонал кўпайиш усули»нинг протоколи ишлаб чиқилган ва қуйидаги босқичлардан иборат: эксплант сифатида латерал куртаклари билан бир йиллик новдаларини тайерлаш, стерилизация қилиш, 10 000 мг/л концентрацияда сахароза, агар, 6-бензиламинопурин ва индолил-3-бутирик фитогормонлар билан WPM (Wood Propagation Media) озуқавий муҳитда *in vitro* културага киритиш, нафтилсирка кислотаси фитогормон билан 50%-ли озуқа муҳитида илдиз тизимишинг ривожланишини рағбатлантириш ва тупроққа мослашиш. *Acer platanoides* L. Crimson king (Aceraceae Juss.), *Corylus avellana* L. (Betulaceae Gray) ни стерилизатсия қилиш учун протокол ишлаб чиқилган ва *Acer platanoides* L. Crimson kingнинг 100 та экспланти ва *Corylus avellana* L. нинг 100 та экспланти *in vitro* маданиятига киритилди.

Илк бор *C.caput-medusae*, *A.tatarica*, *A.pratovi*, ва *S.dendriedes* ўсимликларини уруғларидан кўпайтириш учун *in vitro* культурасига киритилди. Ниҳолларни *in vitro* шароитида кўпайтириш ва уларни қайта культуралашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди ҳамда турли стимуляторларнинг таъсир ўрганилди.

Галофит ўсимликларда абиотик стрессларга жавоб берувчи генларнинг секвинс қилинди. Олинган натижалар NCBI базасида (<http://www.ncbi.nlm.nih.gov>, ID: OQ373010.1, OR371504, OR188086.1) рўйхатдан ўтказилди.

### **Ҳайвонлар биохилма-хиллиги**

Сирдарё ва Жizzах вилоятлари фаунаси мониторингида жами 184 тур объектлар: 33 турдаги амфибиялар ва рептилиялар, 107 тур қушлар ва 44 тур сутэмизувчилар ўрганилди ва уларнинг популяциялари ҳолати баҳоланди. Сирдарё ва Жizzах вилоятларининг 68 пунктида дала тадқиқотлари олиб борилди. 99 турдаги жумладан: 21 тур ноёб ва 56 тур иқтисодий аҳамиятга эга ҳайвонларга доир замонавий маълумотлар олинди.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан яримқаттиқанотли ҳашаротларнинг 5 та инфратуркум, 14 катта оила, 27 оила, 28 триба, 110 авлод, 12 кенжা авлодга мансуб 175 тури аниқланди. Ўзбекистон фаунаси учун илк бор *Microvelia reticulata* Burmeister, 1835, *Ilyocoris cimicoides* (Linnaeus, 1758) ва *Micronecta* sp., турлари қайд этилди. Қишлоқ

хўжалигининг ғўза ва ғалла экинида хўжалик аҳамияти юқори бўлган қандалалардан, жами 17 та, шундан 12 таси заرارли ҳамда 5 таси фойдали қандала турлари эканлиги аниқланди. Қандалалардан *Adelphocoris lineolatus* ва *Creonteadus pallidus* нинг беда экинида ривожланиш динамикаси, *Aelia furcula* нинг эса, кузги буғдой экинида ривожланиш фенологияси ишлаб чиқилди. *Creonteadus pallidus* нинг илк бор ингичка толали “СП 1607” ғўза навига келтирадиган зарари аниқланиб, хосилдорлик назоратга нисбатан 60,4% гача камайиши исботланди. Жигарранг мармарсимон (*Halyomorpha halys*) қандаланинг Тошкент ботаника боғи шароитида қишловдан чиқиши май ойининг иккинчи декадасига тўғри келиб, асосан Гўзал каталъпа (*Catalpa speciosa*) дарахтида ривожланиши ва 9 та ўсимлик тури билан трофик алоқалари очиб берилди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун фаунага доир оригинал харита яратилди. Бунда 8 та муҳим типдаги экотизимлар ва 20 типдаги ҳайвонлар яшаш жойларининг чегаралари аниқланди. Бошқариладиган табиий худудлардаги қуруқлик умуртқали ҳайвонлар фаунаси ўрганилди ва тадқиқот худудининг мониторинг тизимини ишлаб чиқиш учун уларнинг схематик хариталари тузилди.

Кавш қайтарувчи ҳайвонларининг ҳазм қилиш тизимида 8 та авлодга мансуб 26 та нематода, ширдонида 20 та, ингичка ичакда 19 та тур нематодалар паразитлик қилишлиги аниқланди. *Haemonchus contortus*, *Marshallagia marashalli*, *Ostertagia ostertagi* ва *Teladorsagia circumcincta* турлари учун турли ривожланиш босқичида диагностика қилиш имконини берувчи маркёрлар яратилди. Нематодалар типининг 5 оиласи, 11 та авлодига мансуб 29 та тури халқаро Генбанк базасига жойлаштирилди. Жуфт туёқли ҳайвонлар ва уларда учрайдиган паразит нематодаларнинг референс маълумотлар базаси яратилди.

Андижон вилоятида 19 тур (жумладан судралиб юрувчиларнинг 7 тури, қушларнинг 10 тури ва сутэмизувчиларнинг 2 тури) ҳайвонот дунёси кадастри объектларининг рўйхати тузилди. Улардан 7 тури (*Testudo horsfieldii*, *Neophron percnopterus* ва Фарғона водийсининг эндемик судралиб юрувчилари) глобал хавф остида ҳисобланади. Шунингдек, 7 та таксон минтақавий эндемик, шундан 4 таси Фарғона водийси эндемиклариdir. Ҳайвонот дунёсининг давлат кадастри объектлари рўйхатига киритилган турларининг замонавий ва тарихий тарқалиши Щейпфайллари яратилди ва ГАТ ҳариталари тузилди. Геомаълумотлар Ўзбекистон Республикаси Экология вазирлигига тақдим этилди. Андижон вилоятида камёб турдаги умуртқали ҳайвонларнинг маҳаллий мониторингини олиб бориш учун 7 та худуд белгиланди ва тавсифланди. Кўк суғурнинг муҳофаза мақоми ТМХИнинг Қизил рўйхати учун қайта баҳоланди. “Ўзбекистон ҳайвонларининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари давлат кадастри бўйича маълумотлар базасига кириш интерфейси” дастурий маҳсулотига сертификат олинди № DGU 27416, 10.08.2023 й.

Навоий вилоятида ёввойи ҳайвонлар популяциясини йўқолиб кетишининг олдини олиш дастури асосида, Навоий Давлат педагогика

институти билан ҳамкорликда ов ҳайвонларининг турларини ҳисоблаш ишлари амалга оширилди.

Айдар-Арнасой қўллар тизими гидробионт организмларининг тур таркиби (фитопланктон-181 тур, префитон-169 тур, зоопланктон-74 тур, зообентос-18 тур), балиқлар озуқа базасининг сифат қўрсаткичлар: - сони ва биомассаси (Фитопланктон - Сони 14881,0\*103 дона\л, биомасса-627,36 мг\л, Префитон - Сони 13679,0\*103 дона\л, биомасса 839,61 мг\л, Зоопланктон - Сони 1м3 53322,0 дона, биомасса 1м3 376,23 мг, Зообентос - Сони 1м2 373,0 дона, биомасса, 1м3 8,967 г.) аниқланди ва солиштирма таҳлил қилинди. Овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқ чавоқларининг (Чавоқбалиқ - 55,2 %, Оқ сла -17,3%, Кумуш товонбалиқ - 8,7%, Сазан - 4%, Илонбош - 1%, ва 13% бошқа турлар) ҳажм қўрсаткичлари ҳамда уларнинг маҳсулдорлиги (1 гектарда 3 кг) аниқланди. Айдар-Арнасой қўллар тизимидағи балиқларнинг популяцион динамикаси асосида балиқ ресурслари ҳолати баҳоланди ва овланиши мумкин бўлган балиқ ҳажмлари белгиланди. (Чавоқбалиқ - 64 %, Оқ сла - 9%, Кумуш товонбалиқ - 10%, Сазан - 4%, Дўнгпешона - 3%, Илонбош -2%, Жерех - 1% ва бошқа турлар -7%).

### **Микроорганизмлар биохилма-хиллиги**

Ўзбекистоннинг турли экотоплари микроб ҳамжамоаларининг хусусиятлари ўрганилди. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятининг турли даражадаги антропоген таъсирига учраган ҳудудларининг сифат ва миқдорий таркибини (шаҳар тупроқлари, қор қоплами, ёмғир сувлари ҳамда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган сув манбалари ва тупроқлар) қиёсий таҳлил қилиш ва аниқлаш, шунингдек, уларнинг муҳит стресс омилларига мослашиш имкониятларини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Заарланган намуналар тоза бўлган намуналарга қараганда кўпроқ микробиологик хилма-хилликка эга эканлиги аниқланди.

Стресс омилларига мослашиш сифатида микроорганизмлар ҳимоя хусусиятларини ривожлантиради, шу жумладан, полисахаридларнинг ҳосил бўлишининг ортиши намоён бўлади. Шунингдек, сезиларли миқдорда пигментли шакллар аниқланади.

Пестицидларнинг тупроқ микрофлорасига таъсирини аниқлаш учун дала тадқиқотлари ўтказилди. Минтақада илгари учрамаган микроскопик замбурууғлар турлари аниқланиб, ўрганилди. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятининг рекреацион зоналари ва антропоген жиҳатдан ўзгарган экотизимлари микроб ҳамжамоаларининг тузилмавий ва функционал хусусиятлари аниқланиб, маълум биотехнологик салоҳиятга эга бўлган микроорганизмлар күltуралари олинди ва улар асосида шаҳар микроорганизмлари тўплами яратилди.

Термостабил а-амилаза ферменти продуценти бўлган маҳаллий *Bacillus licheniformis*-104.k штамми ажратиб, танлаб олинган ва ферментнинг рекомбинант шакли олиниб, нуклеотидларининг ҳамда аминокислоталарининг тўлиқ кетма-кетлиги аниқланган.

### **Кимё технологиялари**

Аммоний сулфати ва калций карбонати олиш йўли билан гипснинг суюқ фазали карбонат аммонийли конверсия жараёни ўрганилди. Гипсни сувли муҳитда карбонат аммонийли конверсия қилиш асосида экспортга йўналтирилган маҳсулот - аммоний сулфатни ишлаб чиқаришнинг қўшма технологик схемаси ишлаб чиқилди ва моддий баланси ҳисобланди.

Махаллий фосфорит хом ашёсидан сулфат кислотанинг тўлиқсиз меъёрида фаоллашган, донадорланган оддий суперфосфат олиш жараёни ўрганилди. Оддий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланди ва технологик схемаси ишлаб чиқилди. Асосий технологик курилмаларнинг таснифлари берилди. Техник-иктисидий ҳисоблар кўрсатдики, Ходжакуль фосфорит унidan олинган 1 тонна оддий суперфосфат таннархи Қизилқум фосфорит уни ва ювиб куйдирилган концентратдан олинган маҳсулотларга солиштирганда 1.3 ва 2.0 баробар арzon бўлади.

Ангрен кони қунғир кўмирини ишқорий муҳитда водород пероксида билан оксидлашнинг мақбул шароитлари аниқланди. Марказий Қизилқум турли хил фосфоритларини сулфат кислотаси билан парчалаш, кейинчалик водород пероксида билан оксидланган қунғир кўмирни қўшиш йўли билан гуминли суперфосфат ишлаб чиқаришининг технологик схемаси тавсия этилди, мақбул технологик режим ўрнатилди ва моддий баланси ҳисобланди.

«Навоийазот» АЖда ишлатилган компрессор КП-8С ва М-20А мотор мойларининг тозаланган намуналари эксплуататцион синовлари ижобий натижалар билан ўтказилди, жорий этиш далолатномаси олинди. 25 тонна тозаланган КП-8С компрессор мойини ишлаб чиқариш ва қўллаш учун кутилаётган йиллик иқтисодий самара 1,80 млрд. сўмни ташкил этди, 50 тонна тозаланган М-20А мотор мойи учун – 0,4 млрд. сўм. Ишлаб чиқилган технология мойнинг самарали қайта тикланишини таъминлайди. Технологиянинг самарадорлиги, етарли даражада юқори адсорбцион қувватга эга мавжуд табиий адсорбентлардан фойдаланиб ишлатилган мотор мойларини қайта ишлашга киритиш, шунингдек уларни утилизация қилишининг экологик муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

Муракаб NPK ўғитлар олиш жараёнини физик-кимёвий асосланиш мақсадида азот саноатидаги чиқинди катализаторларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. Уларнинг физик-кимёвий таҳлиллари натижасида олинган маълумотларни таққосланганда, чиқинди катализаторларнинг элемент таркибларии жуда хилма-хил эканлиги маълум бўлди. Бундай катализаторлар таркибида мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бир қатор макро- ва микроэлементлар мавжудлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари асосида мураккаб микроэлемент сақловчи ўғитлар ҳамда ғўзанинг баргини тўкиши, пишиб етилиши ва кўсакларнинг очилишини тезлатувчи суюқ стимулятори олишнинг оптимал технологик параметрлари ўрганилди. Уларни олишнинг моддий баланслари ва принципал технологик схемалари ишлаб чиқилди.

Тупроқ ва кўчма қумларнинг тузилишини яхшилайдиган юқори самарали қўшимчаларни олиш учун полиакрилонитрил (ПАН) гидролизи

учун мақбул шароитларни ишлаб чиқилди. Натрий гидроксиди ва силикати ёрдамида маҳсулот унимини ва гидролиз сифатини максимал даражада оширадиган параметрлар аниқланди.

“Полиакриламид ва олтингугурт асосида пролонгацион таъсирга эга биофаол, арzon нанокомпозит олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган препаратни амалда қўллашга тайёрлаш” мавзусида реологик ёндашув натижасида полиакриламид намуналари ва олтингугурт микрозаррачалари асосидаги суспензиялардан флокуляцияланган заррачалар, геллар ва композитлар шакллантириш имкониятлари таҳлил қилинди.

Дисперсс руда-минерал гидрометаллургик тизимларда нодир металл сульфидлари реагентли ва электрокимёвий оксидланишининг кинетик қонуниятлари аниқланди. Кулсиз полимер боғловчи билан донадорланган молибденит концентратини мавхум қайновчи қатlam печида куйдириш технологияси ишлаб чиқилди ва “ОКМК” АЖда мавжуд тайёрлаш ва куйдириш усулига солиширган ҳолда синовдан ўтказилди. Янги технологиянинг афзалликлари аниқланди. ОКМК НМВАҚҚ ҚИ ИИЧБ да Mo, Re, W металл чиқиндиларини гидрометлургик қайта ишлаш усули ишлаб чиқилди.

Ўсимлик мойлари асосида сурков эмульсияларини ишлаб чиқариш технологияси. "OLIO DE VITA" МЧЖ. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 2000 л/йилига. Ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси 100 млн.сўм.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сувларни тозалаб қайта ишлаб чиқаришга кайтариш учун импорт ўрнини босувчи катионит ишлаб чиқариш. Мирзо Улуғбек тумани кичик саноат зonasида ускуналар ўрнатилди.

Натрий сульфид ишлаб чиқариш технологияси (Муборак газни қайта ишлаш заводида ускуналар ўрнатилди.

Илк бора бензоил пероксид инициатори иштироқида қуйимолекуляр полиэтиленга пайвандланган метилакрилат сополимерлари, шунингдек, қуйимолекуляр полиэтилен, метилакрилат ва малеин ангидриднинг учламчи пайванд сополимерлари синтез қилинди.

"*in situ*" шароитида муҳитнинг pH қийматини 5,3 дан 11 гача ўзгартириш орқали полимер стабиллашган кумуш (Ag) НЗларни синтез қилинди. МЦ макромолекулалари ва МЦ-Ag гибрид нанокомпозитларининг гидродинамик параметрлари аниқланди.

Синтез қилинган Ag/Cu/Cu<sub>2</sub>O намуналари *Fusarium oxysporum* 280 фитопатогенига қарши фунгицид фаоллигини кўрсатди.

Х3 ва крахмал асосидаги бинар ИПЭК олиш учун ММ 98 000, СДА 85% бўлган Bobux mori Х3 олинди.

Целлюлоза ҳосилалари структурасида кумуш ва рух оксиди нанозарраларини шакллантиришнинг замонавий усуллари тадқиқ этилди. Олинган намуналарнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари аниқланди.

Карбоксиметилцеллюлоза ва ЦелАгрип матрицасида турли шакл ва ўлчамдаги кумуш нанозаррачаларни ҳосил қилишнинг асосий тамойиллари

ўрганилди. Олинган намуналарнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилди.

Турли алмашиниш ва полимерланиш даражага эга бўлган КМЦ ва серицин асосида пайванд сополимерларнинг олиниш шароитлари тадқиқ этилди. Олинган натижалар асосида КМЦ ва серициннинг пайванд сополимерларини олишнинг оптимал шароитлари аниқланди.

Биологик парчаланувчи компаундлар олиш технологияси ишлаб чиқилиб, «StartUp» лойиҳаси бўйича биологик парчаланувчи бирималар ишлаб чиқариш технологик линияси харид қилинилди.

ПЭ қувур навларини ишлаб чиқариш учун суперконцентратлар олиш технологияси ишлаб чиқилди, суперконцентратлар олиш технологияси ШГКМ шароитида амалга оширилди ва жорий этилди.

ШГКМда ишлаб чиқарилётган ПЭ маркаларини сифат курсаткичларин баҳолаш учун стандарт намуналар яратилди.

Наноаскорбат хитозан олиш технологияси ишлаб чиқилди, ва НАХЗ хосил бўлиш реакциясининг унуми 80,6% эканлиги аниқланди.

Полиолефинларнинг танланган маркалари асосида қатламли силикатлар (Cloisite 20A, Cloisite 30B модификацияланмаган ММТ) тўлдирувчилар ва аралашмадаги полимерлар ўртасидаги мутоносибликни яхшилаш мақсадида компатибилизаторлар олиниб улар иштирокида турли нисбатларда композициялар олинди. Олинган композитсиялардан керакли тадқиқот усуллари учун стандартлардаги намуналар тайёрланди.

Полимерларнинг тупроқда парчаланишини оширириш мақсадида малеин ангидрид тутган полиэтилен (ПЭМА) ва желатин (Жел) таркибига қуий молекулярни полиэтилен (КМПЭ) кўшиб полимер аралашмалар олинди ва тупроқда парчаланиши ўрганилди. Натижаларга кўра ПЭМА/КМПЭ/Жел : 30/20/50 таркибли намуналарнинг тупроқда парчаланиши олдинги натижаларга қараганда ошганлиги кузатилди.

Табиий ва синтетик нанотузилишли полимерлар ва уларнинг композицияси ИК-спектроскопия, рентгенструктуравий анализ, термик анализ ва бошқа физик-кимёвий усуллар билан тадқиқ қилинди. Bombyx Mori хитозан намуналарининг термик хоссалари ўрганилди ва хитозан деацетиллаш даражасининг (ДД) ўзгариши термик хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатиши қайд этилди.

## **Нанотехнологиялар**

Чегара орбитал кўзғалиш назарияси ва зичлик функционал назариясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши ва қўллаш нанополисахаридлар, хитозан ва целлюлоза ҳосилалари, шунингдек, синтетик полимерларнинг реакцион қобилиятини, шу жумладан первовскитларнинг электрон хусусиятларини талқин қилишга олиб келди.

Хитозаннинг 28 та нанохосиласи учун электрон ва энергетик параметрларининг таъсири назарий жиҳатдан ўрганилди, табиий полисахаридларни доривор бирималар билан функционаллаштириш

имкониятлари кўрсатилди ва уларнинг реакцион қобилияти квант-кимёвий хисоблашлар орқали ўрганилди.

Bombyx mori хитозани асосида наноаскорбат хитозан синтези амалга оширилди. Рентгеноструктур тадқиқоти натижалари наноаскорбат хитозан таркибида аскорбин кислотаси миқдори ортиши билан олинган намуналарнинг кристалланиш даражаси 54,8% дан 38% гача камайиши кузатилди.

Натрий триполифосфат стабилизаторининг хитозан Bombyx mori наноаскорбати нанозаррачаларининг шаклланишига ва дезацетиллаш даражасига тъсири аниқланди.

Кўп компонентли нанополимер тизимлари, жумладан, маҳаллий изотактик полипропилен ваnanoструктуравий морфологияга эга полиамид-6 нинг кристалланувчи полимерлари ва қатламли силикатлар билан дастлабки полимерларнинг нанокомпозитлари яратилди. Полимер аралашмаларини ҳосил қилиш жараёнидаги нанокомпозитларнинг мослаштирувчи тъсири аниқланди.

Целлюлоза ҳосилалари структурасида кумуш ва рух оксиди нанозарраларини шакллантиришнинг замонавий усуллари тадқиқ этилди. Олинган намуналарнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари аниқланди.

ТЕМРО- ва бихромат оксидлаш усуллари ёрдамида наноцеллюлозанинг карбоксилланган намуналари ҳамда монохлор сирка кислотаси иштирокида наноцеллюлозанинг карбоксилланган намуналари синтез қилинди. Синтез жараёнлари тўлиқ ўрганилди, охирги маҳсулотнинг унуми, сифат кўрсаткичлари ва тузилишига тъсири қилувчи синтез жараёнининг шароитлари тўлиқ тадқиқ қилинди ва оптималь шароитлар танлаб олинди. Синтез қилинган наноцеллюлозанинг ҳосилалари тузилиши физик ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди ва исботланди.

СХЗ изолирланган макромолекулалар шаклида эмас, балки нанозаррача ўлчамига эга бўлган бир нечта макромолекулалардан ташкил топган асоциатлар шаклида бўлиш тасдиқланди.

Бир неча босқичли мутагенез асосида *Aspergillus niger* замбуруғининг 8/19/67/2Г/H100-рақамли мутант штамми олинган ва ўстириш динамикасида 50 г/л миқдорида лимон кислотасини ҳосил қилиши ўрганилган.

Сут кислотали бактериялар, *Rhodococcus* ва *Bacillus* авлодига мансуб бактериялар орасидан биосурфактант ҳосил қилувчи штаммлар танлаб олинган, уларнинг биосурфактантларининг ҳосил бўлиш механизмлари ўрганилган.

Фаол нитрилгидратаза продукенти бўлган *Rhodococcus ruber*-8/4/1 бактерия штамми асосида “РОДОАМИД” биокатализатори яратилган ҳамда акрил кислотаси нитрилидан акриламид синтез қилиш биотехнологияси ишлаб чиқилган.

Маҳаллий *Rhodococcus qingshengii*-RQ07 ва *Rhodococcus ruber*-3/4/3 штаммларидан битумли нефтни эритувчи фаол биосурфактант препаратини олиш биотехнологияси яратилган.

## **Қурилиш материаллари**

Маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслар асосида техник ва қурилиш мақсадлардаги силикат ва функционал керамик материал намуналарининг оптимал таркибларини ва олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилди. Турли саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, техник ва қурилиш мақсадлардаги намуналар учун керамик масса таркиблари ишлаб чиқилди. Шўртон газкимёвий комплексининг глинозем таркибли катализатор чиқиндиси, Тойтепа флюорит бойитиш фабрикаси, «Узметкомбинат» АЖнинг темир таркибли газ тозалашдаги чиқиндилари кўринишидаги минераллаштирувчи қўшимчаларининг максимал миқдорлари аниқланди. Саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, пардозбоп кошин учун керамик массанинг мақбул таркиблари ва куйдиришнинг технологик параметрлари ишлаб чиқилди. Қурилиш ва техник мақсадлардаги силикат ва функционал материалларининг лаборатория намуналари «Бекабад-огнеупор» ҚҚ, «ART GLOSS GALLERY» ҚҚ, «KERAMICA-OGNEUPOR» МЧЖ шароитида тажриба-ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди.

Қизилқум воҳаси конларидан танлаб олинган хом ашёлардан гибрид қўшимчалар таркиблари шакллантирилди ва уларни «QizilQumsement» АЖ клинкерининг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш натижалари асосида композицион портландцементларнинг самарали таркиблари ва технологиялари ишлаб чиқилди. Янги турдаги моно- ва гибрид қўшимчали цементларнинг гидратланиш жараёнларини, физик-кимёвий хоссаларини кенг тадқиқ қилиш асосида, 20%гача қимматбаҳо клинкерни тежаган холда, мустаҳкамлиги қўшимчасиз цементницидан паст бўлмаган цемент тоши шаклланишининг механизми илмий асосланди.

Қизилқум воҳаси минерал хом ашёларидан гибрид қўшимчалар таркибини оптималлаштириш ва уларни қўллаб композицион портландцементлар олиш технологияси. «Қизилқумцемент» АЖ ЦЕМ II/A-K (П-И) 32,5Н маркали цемент ишлаб чиқарилмоқда ва унга № 2481568 рақамли сертификат олинган.

“SHAXBOZ CARPET TEXSTILE” МЧЖ ўртасида “Идентификация усули билан керамика тайёр махсулотларини (керамика плиталари, унитаз ва раковина) ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир таркибдаги Ангрен каолини намуналарининг бойитилганлигини мавжудлиги бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва аниқлаш юзасидан хулоса тайёрлаш” мавзусидаги 70 млн. сўмлик хўжалик шартномаси тузилди. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

## **Энергетика**

Перовскит актив қатламларининг оптоэлектроник хусусиятларини яхшилаш ва юқори эфективликка эга бўлган қуёш элементларини ҳосил қилиш ва улуарнинг оптоэлектроник хусусиятларини баҳоланиши перовскит структурасини ҳосил бўлишида оралиқ комплекс – йодплюмбат комплексларининг энергиясини зичлик функционали назариясига асосланиб моделлаштириш амалга оширилди. Бунда р-i-n структурали қуёш

элементларида ковак ташувчи қатlam сифатида юқори ўтказувчаникка эга бўлган шаффоф полимер PEDOT:PSS (1.7 % мас. сувда эритилган, 6000 айл/мин 40 сек., 150 °C 10 мин.) дан фойдаланилди.

Тадқиқотлар давомида, юқорида ҳосил қилинган қуёш элементларининг оптоэлектроник хусусиятлари ўрганилди. Бу ўрганишларга кўра перовскит актив қатlamларининг оптик зичлиги 550 нм тўлқин узунлигига 0.95 дан 2.1 гача қийматларни, рентген дифронтометрда эса перовскит кристалитлари 1:1:0 ва 2:2:0 текисликлар бўйича юқори интенсивликда ўсганлигини кўрсатди.

Перовскит қуёш элементларининг ВАХ ўлчанганда юқоридаги эритма ва параметрлар ёрдамида ҳосил қилинган қуёш элементларида ФИК 10 % гача, ФФ, 72 % гача, қисқа туташув токи, 16 mA/cm<sup>2</sup> гача, 0.91 Волтьгача эркин ўтиш кучланишларини кўрсатди.

### **Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги тадқиқотлар натижалари**

Ғўзада маркерларга асосланган селекция, геном селекцияси усулида чидамли ва серҳосил янги навлар яратиш усуллари ишлаб чиқилди. Буғдойда юқори харорат ва касалликга чидамлиликни битта генотипда жамлаш усуллари қўлланилди.

Гетерозисли селекция, ўсимликлар иммунитети, доривор ўсимликлар ва ўсимликлар экспериментал мутагенизи янги йўналишлари очилди ва тадқиқот ишлари олиб борилди.

Турли ғўза навларининг туз стрессига жавобан протеомик ва метаболомик реакциясининг механизми модель туз стресси шароитида ўрганилди. Тадқиқот давомида туз стрессининг ғўза баргларидаги углеводлар ва липидлар, оқсиллар ва эркин аминокислоталарнинг таркиби, фотосинтетик ва антиоксидант тизимларнинг фаоллигига, шунингдек, иккиласми метаболитларнинг таркиби таъсири аникланди. Шўрхохлик стрессининг ғўза баргларидаги липид таркиби таъсирини аниклашда Порлок-4 нинг ёғ кислоталар таркиби барқарор эканлиги ва Кокер-312 таркиби нисбатан тўйинмаган ва тўйинган ёғ кислоталарининг юқори кисмини ўз ичига олганлиги кўрсатилди. Бундан ташқари, туз стрессининг углевод таркиби таъсирини ўрганаётганда, ғўзанинг иккала навида хам барглардаги углеводлар миқдори камайганлиги аникланди. Туз стрессининг ғўза баргларидаги эркин аминокислоталар, пролин ва эрувчан оқсиллар таркиби таъсирини аниклашда иккала навда хам ушбу параметрларнинг 100 mM NaCl гача ўсиши кўрсатилган, аммо Порлок-4 навида эркин аминокислоталар, пролин ва эрувчан оқсилларнинг юқори ўсиши қайд этилган. Туз стресси даражаси 150 mM NaCl га кўтарилиганда, эркин аминокислоталар, пролин ва ерувчан оқсилларнинг камайиши кузатилди. Шу билан бирга, Порлок-4 навида эркин аминокислоталар, пролин ва эрувчан оқсилларнинг камайиши камроқ аникланганлиги кўрсатилган. Шўрхохлик стресси модел шароитида H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> ва МДА таркиби Кокер -312 линиясида Порлок-4 навига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилди. Протеомик таҳлиллар Порлок-4 навининг тузга чидамлилиги фотонафас олиш ва фотосинтезда

иштирок етувчи оқсиллар, аминокислоталарнинг биосинтези билан боғлик химоя оқсилларини ифодалаш билан боғлиқлигини кўрсатди.

Ғўзанинг 26 та энг кенг тарқалган маҳаллий навлари ва линияларининг туз стрессига чидамлилигини баҳолаш тажрабалари натижасида, 11 та турли хил ғўза генотиплари (5 та чидамли, 4 та ўртача ва 3 та тузга стрессига сезгир) танлаб олинди. Турли генотипларнинг SOS1, SOS2 ва SOS3 генларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида бир нечта комбинациялар учун махсус ДНК кетма-кетликлари ишлаб чиқилди. Ўрганилаётган навларда SOS генларининг экспрессия даражасини баҳолаш натижаларига кўра, тузга чидамлилик хусусиятининг намоён бўлишига SOS2 ва SOS3 генлари катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Шуни таъкидлаш жоизки, SOS1 гени ионларнинг чиқарилишида муҳим ўрин тутсада, бошқа генларга боғлиқ. Шу тариқа модел тизим мисолида тузга чидамлиликни ортишини баҳолаш мақсадида модел ўсимликларга трансформация қилиш учун генетик конструкциялар ишлаб чиқиш мақсадида генетик объектлар аниқланди.

Маркерларга асосланган селекция усулидан фойдаланган ҳолда буғдойнинг касалликларга ва қурғоқчиликга чидамли янги тизмалари яратилди ва тегишли синовлардан ўтказилди. Бунда ДНК маркерларига асосланган ҳолда сариқ занг касаллигига чидамлилик генининг дурагай популяцияларда ирсийланиши ва илк авлодларда гомозигота чидамли популяцияларни ажратиб олиш илк марта амалга оширилди. Республикада районлашган буғдой навларидан 20 таси донидаги глиадин заҳира оқсиллари электрофореграммаси бўйича тўлиқ идентификацияланди. Бугдойда чидамли дурагай авлодларни гомозигота тизмаларини конкурс синаш ишлари натижасида 24Z контролхГаллаорол 89 линияси сариқ зангга ўта чидамлиги ва ҳосилдорлиги юқорилиги аниқланди ва кўпайтиш кўчватзорига ўтказилди.

Ғўзанинг F<sub>1</sub>C ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни белгиси асосан салбий гетерозисли, тўлиқ доминантлик ёки тўлиқсиз доминантлик, 1000 дона чигит вазни белгиси эса асосан ижобий гетерозисли тўлиқ доминантлик ёки тўлиқсиз доминантлик холида, F<sub>2</sub>C ўсимликларида эса кўсақ вазни белгиси 79,4 % генлар, 1000 дона чигит вазни белгиси хам 57,6% генлар таъсирида ирсийланиши аниқланган.

Цитогенетик тадқиқотлар натижалари, бир биридан узоқ турларнинг чатишишидан ҳосил бўлган дурагайларнинг тетрадалар таҳлили натижасида асосан барча ўсимликларда мейотик индекснинг юқори кўрсаткичлари қайд этилган.

Рағбатлантирувчи-1 яъни кучсиз миқдорда кобальт-60 радиоизотопи (60-Co) асосидаги гамма нурлари манбаида нурлантирилган ғўзанинг навлари орасида энг юқори кўрсаткич Келажак навида биринчи миқдорда кузатилиб, ўсимликлар сони 47 та ва унувчанлик 94% ташкил этди.

M1 нав ва дурагай намуналарида кўсақ вазни ва бир туп ўсимликдаги умумий ҳосил миқдори хам турлича кўрсаткичга эга бўлиб, нурланишнинг миқдорларида бир-биридан фарқ қилди. Бир дона кўсақ вазни бўйича энг юқори кўрсаткич M1 Л-М x Келажак комбинациясида нурланишнинг биринчи Миқдорида 6.3 гр, M1 Эластик x Келажак 6.1 гр, қолган нав ва

дурагайларда ўрта ҳисобда 5.1-5.5 граммгача, энг паст кўрсаткич Келажак х Келажак-2 дурагайида кузатилиб, бир дона кўсак вазни 4.2 граммни ташкил этганлиги аниқланди.

Наманган-77 ғўза нави билан Занги-Ота линиясини дурагайлашидан олинган 97 та рекомбинант инбрэд линиялар (РИЛ) популяцияси оптимал ва сув танқислиги шароитларида физиологик, морфо-биологик ҳамда молекуляр генетик усуулларда тадқиқ этилди. РИЛ популяциясининг морфо-биологик ва агромомик белгиларини Means Cluster таҳлил ( $p \leq 0,05$ ) қилингада, 3 та гурухга ажратилди. 1- ва 2- гуруҳ паст ва ўртacha қийматларга эга бўлган линиялар бўлса, 3- гуруҳ эса барча белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Ушбу гуруҳ намуналари орасидан агрономик кўрсаткичлари юқори бўлган линияларни танлаб олиш имконини берди. Ғўза популациясида қурғоқчиликка чидамлилик индексларининг принципиал компонент анализ натижасига кўра, сув танқислигига чидамли ғўза генотипларни танлаш ҳосилдорлик индекси, стрессга чидамлилик индекси, чидамлилик индекси, геометрик ўртacha маҳсулдорлик ва ўртacha маҳсулдорлик индексларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Ғўзада қурғоқчиликка чидамлилик индекслари, физиологик ва морфо-хўжалик белгиларини принципиал ва кластер таҳлилларига кўра, турли муҳитга мослашган, сув танқислигига чидамли ва ҳосилдорлиги барқарор бўлган РИЛ\_092, РИЛ\_063, РИЛ\_93, РИЛ\_54, РИЛ\_060, РИЛ\_066, РИЛ\_004, РИЛ\_021, РИЛ\_007 линиялар аниқланди. Ғўзанинг Наманган-77 нави ва Занги-Ота линияси 915 та JESPR, BNL, NAU, TMB ва SSR микросателлитлар билан ПЦР усулда тадқиқ қилинганда, 33 та полиморфик ДНК маркерлар аниқланди.

Ғўзани генетик трансформациялаш мақсадида SynB гени асосида РНКи конструкцияси ишлаб чиқилиб агробактериянинг (*Agrobacterium tumefaciens*) LBA4404 штаммига трансформация қилинди. Генетик конструкциясини узида тутган агробактерия билан ғўзанинг Кокер-312 линиясининг гипокотеллари заарланирилди ва улар маҳсус озуқа муҳитига экилди. Антибиотикли P1 озуқа муҳитида етиштирилган гипокотеллар икки ён томондан оқ шиш ҳосил қила бошлагач, янги антибиотикли P7 озуқа муҳитига кўчириб ўтказилди ва каллуслар 4 ҳафта давомида етиштирилди. Шундай қилиб, ўтказилган тажриба натижалари ва кузатишлар га асосланиб P1 ва P7 озуқа муҳити тадқиқот обьекти экспланatlари каллусогенези учун энг мақбул озуқа муҳити эканлиги аниқланди.

Буғдойда янги яратилган тизмаларнинг ҳосилдорлигини якка индивидуал ва кейинги оила синовлари асосида ошириш ва бир вақтнинг ўзида типик бир хил тоза уруғлик ва юқори ҳосилдор авлод олиш усули ишлаб чиқилди.

Миллий генбанк коллекциясидан олиб келинган қанд лавлагининг Местная ва Диёр (Ўзбекистон) хориж қанд лавлаги намуналари Немерчанская-030 (Украина), Red Claid (Нидерландия), Новелла (Дания), Лара (Сербия), Опух (Болгария), Дружба (Россия), Виктория (Молдавия) навлари иштирокида турли комбинацияларда чатиштиришлар ўтказилиб,

гетерозис кучи юқори бўлган F<sub>1</sub> дурагай уруғлари олинди ва самарали усули ишлаб чиқилди.

Турли генотиплардан ташқил топган Жухори навлари устида фитомелиоратив хусусиятлари аниқланди ва чатишитиришлар ўтказилиб, шўр ва қурғоқчиликга чидамли F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларининг уруғлик материали олинди.

Кулупнайни Марказий осиё минтақаси қуруқ ва иссиқ иқлимига мослашган 4 та геткрозисли дурагай навлари яратилди.

Бамия ўсимлигининг ўсиши ўрганилганда, алоҳида биочар қўлланилган вариант, биргалиқда биочар ва минерал ўғитлар қўлланилган вариантлар ўсимлик бўйининг узунлиги, илдиз ва поя қуруқ оғирлигини оширганлиги қайд этилди. Бамия ўсимлиги илдиз тизимининг морфологик кўрсаткичлари ўрганилганда, биочар ва минерал ўғитлар биргалиқда қўлланилган вариант ўсимликнинг умумий илдиз узунлигини, диаметри, илдиз ҳажми ва илдиз эгаллаган майдонини юқори даражада ошишига олиб келади.

Картошка ўсимлиги *in vitro* микроклонларини ўстиришда озуқа мухитига ДАГ-1 биостимуляторининг қўшилиши препаратурнинг 10<sup>-6</sup> ва 10<sup>-8</sup>М концентрацияларида микроўсимликнинг бўғин оралиғи ва микротуганаклар сони ортишига сабаб бўлди. Биокимёвий тахлиллар – яъни, пероксидаза фаоллигининг ошиши H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> ва малондиальдегид миқдорларининг пасайишига сабаб бўлиб, ДАГ-1 биостимуляторини келажакда ўсимликнинг биотик ва абиотик стресс омилларига қарши чидамлилик индуктори сифатида қўллаш имконини беради.

Турли коцентрацияли хитозан ваnanoхитозан намуналарини ўрганишда улар замбуруғ мицелиси ривожланишига тўсқинлик қилувчи зона ҳосил қилиши кўрсатилди. Истиқболда тут уруғини экиш ва ундан соғлом, сифатли ниҳоллар етиширишда, nanoхитозан ва унинг nanoхосиллари эритмалари билан ишлов бериш орқали замбуруғли касалликларининг олдини олишда самарали натижаларга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Орол денгизининг *Artemia parthenogenetica* цисталаридан хитозан намуналари олинди. Янги махаллий хомашё манбаидан олинган хитозан намуналарининг физик-кимёвий хоссалари атрофлича ўрганилди.

Ўзбекистон илм фанида илк марта ўсимликда патологияни кузатиш учун трансген патоген замбуруғи олинди ва амалиётда муваффақиятли синалди. Ушбу янги усул касалликга баҳолаш муддатини кескин қисқартиради ва аниқликни кескин оширади. Бунда ғўзанинг Бухора-6 навида флуоресцент (GFP) белгили *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* AN5 ва антагонистик *Trichoderma afroharzianum* BZS-T1 (RFP) штаммларининг колонизациясини флуоресцент микроскопдаги ўрганиш натижасида *Trichoderma afroharzianum* BZS-T1 15 кунда 90% фитопатоген штаммларга нисбатан антагонистик хусусияти намаён бўлган.

Ўтказилган тахлилларга кўра сариқ занг касаллигининг клонал популяцияси Nei генетик яқинлиги ва FST қийматларига кўра Сурхондарё популяцияси энг юқори хилма хилликга эгалиги аниқланди. Энг паст FST қиймати Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари орасида хамда Жиззах,

Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кузатилди ( $FST= 0.00$ ). Энг юқори  $FST$  қиймати Сурхондарё ва Наманган популяцияларида кузатилди ( $FST= 0.061$ ).

Популяцияларнинг генетик дистанцияси барча худудлар орасида паст эканлиги ( $\leq 0.061$ ) Ўзбекистон худудида субгурухлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Популяциялар орасидаги генларнинг кўчиши, яъни ген фловнинг энг юқори даражаси Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятлари ўртасида, кейин Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ўртасида хамда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ўртасида кузатилди.

Ғўзада патоген замбуруғда GGP генини трансформация қилиш орқали баҳолаш усули ишлаб чиқилди ва қўлланилди.

Cu/Cu<sub>2</sub>O-НЗсини A. chroococcum XH2018 штамми ЭПС матрицасига сингдириш орқали янги турдаги нанобиоматериал ҳосил қилинди. Ушбу нанобиоматериал XRD усулида таҳлил қилинди.

Нанобиоматериалнинг замбуруғларда конидиялар ҳосил қилишини кучли даражада чеклади. Жумладан, Fusarium solani ва Fusarium oxysporum f.sp. vasinfectum замбуруғларида конидиялар 85-90%гача, Rhizoctonia solani'да 95% гача, Alternaria alternata'да 80% гача камайиб кетиши кузатилди.

Замбуруғларнинг 3 штамининг ep11 геннинг нуклеотид кетма-кетликлари Trichoderma harzianum strain GPEB-T1 PP003048, Trichoderma afroharzianum strain BZS-T1-PP003049, Trichoderma virens strain GPEB-T2 - PP003050 ID ракамлари билан NCBI GenBank халкаро маълумотлар базасига киритилган.

Биоорганик кимё институтида яратилган ГК-ИМК супрамолекуляр комплексининг  $10^{-5}$  ва  $10^{-6}$  М концентрациялари шўрланиш шароитида ғўза навларининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини рағбатлаб, протекторлик хусусиятини намоён қилиши натижасида ўсимликнинг биосинтетик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ғўза ўсимлигини пишиб етилишини тезлаштирувчи янги комплекс таъсирга эга дефолиантларнинг лаборатория шароитида тажриба намуналари олинди. Янги таркибли дефолиантлар ғўзада агрокимёвий синовдан ўtkазилганда улар ўсимликка юмшоқ ва юқори самарали таъсир этиши, яъни барглар тўкилиши 87,3-93,7 %, кўсакларнинг очилиши - 86,5-91,4 % ни кузатилди.

“Полидеф” дефолиантининг полимер шаклини ишлаб чиқариш технологияси” дан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олинди ва “ЕКОБИОСФЕРА” ХК МЧЖга тақдим этилди.

Биобарс-М биоўғити ишлаб чиқариш. Жайхун ўисмилари “Агродон” МЧЖ, Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 2.5 т. Ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси, 300,0 млн.сўм.

Микробиологик ўғитлар таъсирида ҳосилдорликнинг назорат навларга нисбатан 5-10 % оралиғида фарқ қилиши, юқоридаги микробиологик ўғитларни минерал ўғитлар ўрнида қўллаш мумкинлиги билдиради, органик маҳсулот етиширишда Биазот ва Rhizobium 3 микробиологик ўғитларнинг

самарадорлиги юқори эканлиги билан изоҳланади. Биоазот микробиологик ўғити таъсирида дон таркибидаги организм учун зарур бўлган оқсил ва микро-макро элементларнинг юқори эканлиги аниқланди, ҳосил элементлари ва сифат қўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлашда Биоазот микробиологик ўғитини қўллаш самарали эканлиги исботланди.

Институтда яратилган ғўзанинг янги “Зафар”, “Афсона”, “Марварид” навлари Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида экилди ва уруғлик материаллари кўпайтирилди. Экилиб келинаётган “АН-Боёвут-2”, “Беш қаҳрамон”, “Юксалиш”, “Мехнат” каби навларнинг майдони 20 000 гектар атрофида кенгайтирилди.

Буғдойнинг “Эзоз”, “Оқ марварид”, “Қайроқтош” ва “Илғор” навлари уруғчилик фермер хўжаликларида юқори сифатли уруғлик материаллари кўпайтирилди.

Уруғларни қобиқлаб экиш ва баргидан озиқлантиришда бентонит гиллари кукунидан фойдаланиш технологиясини қўллаган ҳолда Нурота туманидаги 100 га лалми ерларининг 56 гектарида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Ушбу тажриба-синов ишлари натижаларига кўра 161 %гача қўшимча ҳосил олишга эришилди.

Навбаҳор туманининг 98 гектар майдонида, бентонит гиллари кукуни ва минерал ўғитли суспензия билан ғўзани баргидан озиқлантириш 225 гектар пахта майдонида амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари натижасида 15% дан 33,3% гача қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди.

Айдар-Арнасой табиий сув ҳавзасининг экологик ҳолатини ўрганиш мақсадида 11 март куни ишчи гурӯҳ Айдаркўл суви қирғоқ тупроқларидан намуналар олиниб, жойида экспресс таҳлиллар қилинди.

УЗХИТАН препаратини олиш технологияси асосида, ғўза уруғларини экишдан олдин ишлов бериш учун 2023-йилда Республикализ вилоятларидағи Агрокластерларга хўжалик шартномалари асосида ҳажми 30 780 литр бўлган, жами 256,8 млн. сўмлик препарат етказиб берилди.

### **Тиббиёт, фармацевтика, фармакология йўналишидаги тадқиқотлар натижалари**

*Asteraceae*, *Apiaceae*, *Lamiaceae*, *Fabaceae*, *Zygophyllaceae*, *Orobanchaceae*, *Polygonaceae*, *Capparidaceae* ва бошқа оиласаларга мансуб 50 дан ортиқ ўсимлик турлари фитокимёвий таҳлил қилинди, жами 100 га яқин табиий бирикмалар ажратиб олиниди, 71 таси идентификация қилинди, 6 та янги бирикмаларнинг кимёвий тузилиши кимёвий ва физик-кимёвий усуслар ёрдамида, 2 таси табиий янги модда эканлиги исботланди.

*Fabaceae*, *Apiaceae*, *Asteraceae* ва бошқа оиласалари 30 дан ортиқ ўсимликларнинг полисахаридлари ва оқсил моддаларини ўрганилди. Илк бор *F. tenuisecta* ўсимлигининг ер устки қисмидан Мм 40 кДа, Gal/Ara нисбатлари 1:2.6 бўлган арабиногалактан ажратиб олиниб, унинг структураси таҳлил қилинди. *A. donax*, *Capparis spinosa* ва *Codonopsis bactriane* олигопептидларининг гипогликемик фаоллиги аниқланди. *Capparis spinosa* гул куртагидан олигопептиidlар ажратиб олиш ва тозалаш технологиясини

яратиши борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизнинг кучли шўрланган тупроқларида ўсадиган *Amaranthaceae* оиласига, *Suaeda* туркумига мансуб 3 та турдаги эугалофит ўсимликларининг уруглари ва уруғ пўстлоқларининг липидлари ўрганилди. *S. paradoxa* ва *S. salsa* уруғлари ўртacha ёғли бўлиб, таркибида 16-18% нейтрал липидлар борлиги ҳамда *S. paradoxa* ва *S. microphylla* липидларида ўсимлик тўқималарида юқори фаол ёғ кислоталари эйкозатриен (20:3) ва арахидон (20:4) кислоталари аниқланди. Биринчи маротаба Ўзбекистонда ўсувчи *Senecio subdentatus* ўсимлиги ер устки қисмининг эфир мойи (ЭМ) таркиби таҳлил қилинди ва асосий компонентлари ациклик монотерпен углеводородлар, моноциклик монотерпенлар, бициклик спирт ҳамда моноциклик сесквитерпенлардан иборатлиги аниқланди.

Лаппаконитин, N-дезацитиллаппаконитин, 6-метилурацил ва глициризин кислоталар асосида 6 та комплекс олинди. Гомовератриламин, алмашинган бензальдегидлар ва ацетосирка эфири иштирокида реакциялар олиб борилди. 2-Алмашинган-3,4-дигидрохиназолин-6-сульфонамиларнинг алифатик ва ароматик ароматик ва алифатик изоцианатлар, ҳамда бензальдегидлар билан реакцияларидан хиназолинлар қаторида янги сульфонилмочевиналар синтез қилинди. 1,3,4-Оксадиазол-2-тионни хлорсиরка кислотасининг алкил эфирлари қаторида селектив S-алкил ҳосилалар олинди. 1,2,3,4-Тетрагидроизохинолин, урацил, хаплофилидин ва конвольвин асосида 70 дан ортиқ янги бирикмалар синтез қилинди, улар орасида инсектицид фаолликка эга ва гипоксияга қарши юқори фаолликни намоён қилувчи моддалар аниқланди.

Рентген тузилиш таҳлил (РТТ) орқали турли алкалоидлар, flavonoидларнинг тузилиши аниқланди. Цитизиннинг тиенопиримидин сақловчи гибрид ҳосилалари, 1,3,4-оксадиазол-2-тионнинг алкил ҳосилалари ўрганилди. ЯМР спектроскопияси ёрдамида ўсимликлардан 28 flavonoид, 1 дитерпен, 8 фенол бирикмалари 5 сесквитерпен лактон, 4 стерол, 2 кумарин, 1 лигнаннинг, 3 та фурокумаринларнинг, янги тўйинмаган карбон кислота ва 3 та алкалоиднинг, 2 циклоартан тритерпеноидлари ва стероид гликозидларнинг кимёвий тузилишлари ва стереокимёси тадқиқ қилинди.

Институт лабораториялари ва ЎзР даги бошқа ИТМ ва ОТМ талабномалари асосида 1300 га яқин модданинг эритмадаги  $^1\text{H}$ ,  $^{13}\text{C}$  ва 2D ЯМР спектрлари, ўрганилди. Бензоксазол-2-он, 1,2,3-триазол ва цитизиннинг тиенопиримидин фрагментлари билан янги ҳосилалари тузилиши ўрганилди.

*Aesculus hippocastanum* L. ўсимлиги барглари ва гулларидан полисахаридлар ажратиб олинди. *Aesculus hippocastanum* L. барглари, гуллари ва уруғ қобиғидан ажратилган полисахаридлар антиоксидант фаоллиги ўрганилди.

Сульфонилмочевина 10 ҳосилалари ва *Arundo donax*, *Capparis spinosa* ва *Codonopsis bactriane* оқсилларининг гипогликемик таъсири; розмарин кислотаси, *Perovskia angustifolia* қуруқ экстракти, *Melilotus officinalis* экстракти, *Crocus sativus* flavonoидлар йигиндиси ва витастероидлар яллиғланишга қарши фаоллиги;

*Arundo donax* ер устки қисмидан олинган Донаксин препарати психофармакологик хусусиятлари; 32 та 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ҳосилаларини марказий асаб тизимиға таъсири ва антиоксидант фаоллиги;

30 та 1,4-алмашинган 1Н-1,2,3-триазолларнинг ҳосилаларини ўткир заҳарлилиги ва анальгетик фаоллиги; *Adonis turkestanica* ўсимлиги спиртли экстрактининг фармакологик хусусиятлари;

Зта ўсимлик турларидан ажратиб олинган пектин моддаларнинг диареяга қарши фаолликлари ўрганилди. 1,3,4-оксидазол 2-тионларнинг ўткир заҳарлилиги ва психофармакологик хусусиятлари;

лаппаконитин ҳосилаларининг антиаритмик фаоллиги; *Delphinium ajacis* дан олинган ёғнинг сафро хайдовчи хусусияти ўрганилди.

*Gossypium hirsutum* ўсимлиги гулидан олинган қуруқ экстрактнинг кимёвий таркиби аниқланди ва унинг қандли диабетга қарши фаоллиги Глукейр препаратига солиштириб ўрганилди.

Гепатит В вируси ДНКсининг ПЗР диагностикасида люминесцент зондларнинг янги тузилмалари ўрганилди. LNA модификациялари ёрдамида олигонуклеотид зондларининг эриш ҳароратини ошириш люминесцент сигналнинг ўсишини ва ПЗР таҳлилиниң самарадорлигини ошириши аниқланди. Bac-to-Bac<sup>TM</sup> платформаси асосида рекомбинант оқсил олиш учун GFP генини ўз ичига олган янги рекомбинант pFastBac1-GFP ва pFastBacDual-GFP плазмидларини клонлаш амалга оширилди.

Ўсимликлар, микроорганизмлар (эндофит замбурууглар)дан олинган ва синтетик моддалар билан жами 107 та намунанинг антибактериал ва антифунгал фаоллиги ўрганилди. ТГvata, *Helianthus tuberosus*, *Ferulafoetida*, *Sophora pachycarpa*, *Saponaria officinalis* ўсимликларидан ажратилган 24 та экстракт ва 30 та синтетик моддаларнинг цитотоксик фаоллиги саратон хужайраларининг 4 линияларига ва нормал хужайраларга нисбатан фаоллиги ўрганилди.

Сульфатланган гиалурон кислотани доксорубицин тутган ҳосилаларининг *in vitro* шароитда Hela, Акат, C127 каби саратон хужайра нисбатан фаоллиги ўрганилди ва юқори цитотоксик фаоллик намоён қилишини кўрсатди.

Коллаген асосида олинган стерил плёнка намуналарининг биологик фаоллиги каламушларнинг тери остига имплантация қилиб ўрганилганда, унинг жарроҳлик амалиётларида барьер сифатида қўллаш мумкинлиги исботланди.

*in vitro* ва *in vivo* усули натижаларига кўра антивирус препарат фавипиравирга нисбатан унинг янги олинган супрамолекуляр комплекс бирикмалари кам заҳарли ва юқори фаоликни намоён қилишлиги аниқланди. Лагохилиннинг  $\beta$ - ва  $\gamma$ -НР-ЦД лар билан супрамолекуляр комплекслари асосида спрей ва гель шаклидаги гемостатик воситаларини олиш усуллари ишлаб чиқилган.

*Inula grandis* шротидан инулин олишнинг саноат технологияси яратилди. *Ajuga turkestanica* нинг сувли экстракти “ZPG 150” пуркаб қуригич ускунасида экстратининг қуритиш оптималь шароитлари аниқланди. Биринчи

марта маҳаллий *Daturas stramonium* ўсимлигининг тўлиқ элемент таркиби ўрганилиб, 42 та элемент аниқланди. *H. scabrum* ва *H. perforatum* ўсимликларининг ер устки қисмларидан “Далачой қуруқ экстракти” ишлаб чиқаришнинг комплекс технологияси ишлаб чиқилди ва хорижий фармакопеяга жавоб берадиган тайёр маҳсулот олишнинг имконини берди. Парпи, Виктор ва Северцова омонқораси ўсимлик хом ашёларидан дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқариш иккиласми махсулотларидан янги субстанциялар технологиялари ишлаб чиқилди.

*Nigella sativa* седана уруғидан липолитик фермент ажратиб олинди ва капсула, таблетка кўринишидаги қаттиқ дори шаклида БФҚ ишлаб чиқилди.

*Ganoderma applanatum* базидиал замбуруғидан полисахарид-меланин комплекси ва ундан полисахарид ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилди.

Антиаритмик препаратларнинг ГКМАТ билан комплексларининг лиофил куритилган липосомал шакллари олинди, улар 2 ой давомида +4°C да сақланганидан кейин сувли фазада қайта суспензия қилинганида ўз хусусиятларини тўлиқ тиклайди.

Амиодарон ва этацидининг ГКМАТ билан 1:4 ва 1:8 моляр нисбатдаги комплексларининг липосомал шакли олинди. Уларнинг аритмияга қарши самараси комплексларга солишитирилганда яққолрок намоён бўлди ва узоқ муддатли таъсир намоён килди. Ҳар хил турдаги микрон ўлчамдаги ташувчиларда амиодарон-ГКМАТ 1:8 моляр нисбатдаги комплексларини инкапсуляция қилишнинг турли усуллари солишитирилди. Амиодарон:ГКМАТни капсулалаш учун энг мос полиэлектролит микрокапсулалари узоқ муддат ажралиб чиқиш имкониятига эга бўлган ПМК таркиби (ПАА/ПСС) З эканлиги аниқланди.

Эритмадаги модда бошланғич таркибининг 80% гача капсулалаш имконини берувчи Ал:ГКМАТ нинг таркиби (ПАА/ПСС) З бўлган ПМК га сорбциялалаш усули таклиф этилди. Ал:ГКМАТ нинг ажралиб чиқиши динамикаси унинг бошланғич таркиби, pH ва эритмадаги туз мавжудлигига боғлиқлиги ўрганилди. Натижада капсулаланган Ал:ГКМАТнинг ажралиб чиқиши эритма pH и ва капсуладаги таркибга боғлиқ эмаслиги, бироқ эритмада туз мавжудлиги ушбу жараённи сезиларли даражада тезлаштириши аниқланди. Ушбу таъсир Ал:ГКМАТнинг микрокапсулаларда электростатик табиатли сорбцияланишига гувоҳлик беради..

*Prunus domestica* L. маданий олхўри меваларидан «Равонол» биологик фаол қўшимчаси субстанцияси ишлаб чиқарилди;

«Рутавир» биологик фаол қўшимчининг таблетка шакли учун оптималь таркиб танланди ва препарати 20 минг блистер қадоқ ишлаб чиқарилди;

5-фтор урацилнинг сувда эрувчан супрамолекуляр комплекси препаратига вақтинчалик фармакопея мақоласи лойиҳасини ишлаб чиқиш учун керакли таҳлиллар ўтказилди ва лойиҳанинг дастлабки варианти ишлаб чиқилди.

Доривор ўсимликлар коллекциясини қайтадан инвентаризация қилиш асосида 9 та бир йиллик, 5 та икки йиллик, 55 та кўп йиллик, 1 та лиана ва 3 тадан чала бута, бутача, бута турлардан иборат каталог тузилди. Тажриба

участкаларида ўсадиган айрим доривор ўсимликларда (*Agastache foeniculum* (Pursh) Kuntze ва бошқалар) фенологик кузатувлар олиб борилди ҳамда биоэкологик хусусиятлари аниқланди. *Megacarpaea gigantea* Regel ўсимлигининг табиий популяциялари қисқариб бораётганлигини инобатга олган ҳолда илк бор мева ва уруғи анатомик ўрганилди ва перикарпий асосан склерификациялашган ва спермодермаси эса пардасимон ва юпқа қаватдан иборатлиги аниқланди.

*Astragalus babatagi* ва *A.xanthomeloides* тарқалиш хариталари тузилган.

Ичак яллигланиш касалликларини олдини олиш ва даволаш учун беморларга тавсия этиладиган “ProBioKolit” биологик фаол қўшимча 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўtkazилган ва ишлаб чиқаришга руҳсатнома олинган.

Маҳаллий пробиотик бактериялар асосида фармацевтика йўналиши бўйича “Лактопропионикс”, “Лактопрополис” ва “Пробиоколит” препаратлари яратилган. Шунингдек, чорвачиликда қорамолларни даволашда лактобактерияларнинг маҳаллий штаммларидан фойдаланиш жорий этилган, силос ва сенаж қилишда пробиотиклар асосида яратилган “Имбиокон” биопрепаратини қўллаш ҳамда паррандачиликда хавф соловчи бактериал касалликларнинг олдини оловчи ва даволовчи, товуқлар иммунитетини оширувчи антагонистик хусусиятга эга “Бактовит” ва “ПробиоКорм” пробиотики озуқа қўшимчалари яратилган ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. “Лактопропионикс”, “Лактопрополис” ва “Пробиоколит” препаратларини ишлаб чиқариш “AllWellLab” МЧЖ корхонасида йўлга қўйилган.

Серицин ва фибронинни сувли шароитда юқори ҳарорат ва босим остида ёпиқ тизимда гидролизлаш орқали олигопептидлар ва аминокислоталар аралашмаси асосида қандли диабетга қарши биологик фаол қўшимча олинди.

Биопарчаланувчи гемостатик хоссага эга композит таркибли адгезив плёнка ва кукун олиш учун NaHCMC, ОЦ, НЦ ва CaCl<sub>2</sub> асосида ва қон тўхтатиш вақти 36±4 сонияга teng плёнкалар олишга эришилди.

*T. asperellum* Uz-A4 штамми юқори биологик фаолликка эга бўлган бир нечта, муҳим иккиласми метаболитларни ҳосил қилиши ўрганилган. Илк марта *T. asperellum* Uz-A4 замбуруғининг культурал суюқлигига ГХ-МС усули ёрдамида 11 турдаги биологик фаол (антибактериал, замбуруғларга қарши, антиоксидант, нематоцид) учувчан метаболитлар борлиги аниқланган. ЮССХ-МС ёрдамида замбуруғнинг культурал суюқлигига антибиотик табиатли моддалар ҳисобланадиган Конингинин А ва Виридин мавжуд эканлиги аниқланган.

*T. asperellum* Uz-A4 замбуруғининг биомассасидан тоза аморф ҳолатдаги биологик фаол модда ажратиб олинган, ГХ, ИК, ЯМР13С ва ПМР спектрал таҳлиллари маълумотларига кўра пальмитолеин кислотаси сифатида тасдиқланган. Илк марта *T. asperellum* Uz-A4 замбуруғининг биомассасидан рентген структура таҳлилларидан фойдаланган ҳолда кристалл ҳолдаги D-маннитол моддаси ажратиб олинган.

## **Иммунология**

Ҳисобот даври мобайнида 10 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларда бирламчи иммунитет танқислиги (БИД) ҳолати аниқланди. БИД харитаси ишлаб чиқилди, унда ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг асосий кўрсаткичлари, катта ва кичик АИК, фагоцитоз ва комплемент тизими мавжудлиги аниқланди. БИД билан аниқ Т-хужайрали иммунитет танқислиги ривожланади ва бу Т-цитотоксик лимфоцитларнинг фаоллашуви фонида СД-4+ ёрдамчи-индукторларининг камайиши, иммунорегуляцион индекснинг пасайиши билан намоён бўлади. Гуморал тизимда чукур ўзгаришлар аниқланди, улар 20% болаларда IgG ни бостириш ва IgM ва баъзи ҳолларда IgE нинг ортиқча ишлаб чиқарилиши билан намоён бўлди. IgG4 миқдори касал болаларда ҳам кескин ошган эди. АИКларни миқдори ҳам бироз купайганлиги аниқланган, бу ўзгариш комплемент тизимида ҳам қайд этилган. Текширувдан ўтказилганларнинг 30% нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги камайганлиги аниқланган.

Роцасеа пайдо бўлиши ва ривожланишида иштирок этадиган, шунингдек, касалликнинг оғирлигига таъсир қилувчи генлар аниқланган. Фолат алмашинуви генларининг ноқулай вариантлари қуидагилардан иборатлиги аниқланди: МТҲФР: 1298 A>C pc1801131, МТҲФР: 677C>T pc1801133. Аниқланган локусларроцасеадаги яллиғланиш механизmlари учун ўзига хосликни таъминлайди ва терапевтик аралашувнинг потенциал йўлларини аниқлайди. Гемостаз тизими генларининг ноқулай вариантлари, хусусан тромбоцитлар алоқаси: ИТГБ3: 1565 T>C pc5918, ПАИ-1: -675 5Г>4Г pc1799889 аниқланди. Аниқланган локусларроцасеадаги яллиғланиш механизmlари учун ўзига хосликни таъминлайди ва терапевтик аралашувнинг потенциал йўлларини аниқлайди.

Иммунитет танқислигининг ирсий шаклларини эрта неонатал ташхислашда муҳим аҳамиятга ега ТРЕК/КРЕК генларини биотехнологик тадқиқотлар бошланди. Ҳужайра технологияларининг хавфсизлиги соҳасида ҳужайра линиясининг ҳақиқийлиги ва ҳаётнийлиги, ҳужайра популяциясининг бир хиллиги учун асосий технологик характеристикалар аниқланди. Асептик шароит ва ҳужайра маҳсулотларини микробиологик назорат қилишнинг асосий усуллари ишлаб чиқилган ва жорий қилинган.

199 нафар болалар текширилди, улардан 133 нафари янги туғилган чақалоқлар ва ҳаётнинг биринчи йилидаги болалар (асосий гурӯҳ) ва 66 нафар амалда соғлом болалар (назорат гурӯҳи). Касалликнинг оғирлигига қараб: 1-гурӯҳ - енгил пневмония билан оғриган 68 нафар бола; 2-гурӯҳ - оғир пневмония билан оғриган 65 нафар бола. Оғир пневмония билан оғриган гурӯҳдаги янги туғилган чақалоқлар сони оғир бўлмаган пневмония билан оғриган болалар гурӯҳига (26,5%) нисбатан бир оз кўпроқ (30,8%) бўлган. Ҳаётнинг биринчи йилидаги болалар орасида оғир бўлмаган беморлар (73,5%) оғир пневмония билан оғриган болаларга нисбатан (69,23%) кўпроқ бўлган. Касалхонадан ташқари орттирилган оғир пневмония ривожланишининг ижтимоий хавф омиллари орасида шифокорга кеч ташриф

буюриш (64,6%) бўлиб, бу оналарнинг таълим даражасининг пастлиги (35,4%) билан изоҳланади, тўлик бўлмаган оилалар (43,1%), оналар иш билан бандлиги (70,1%); оғир ақушерлик тарихи, анемия, нафас олиш касалликлари, ҳомиладорлик ва туғишнинг патологик кечиши ( $P<0,05-0,001$ ): эрта туғилиш, сунъий озиқлантириш ( $P<0,001$ ), анемия, тимомегали ( $P<0,05$ ), ичак зўриқиши синдроми ( $P<0,001$ ). Оғир пневмония бўлган болаларнинг ярмидан кўпи (55,4%) вегетатив-виссерал дисфункция синдроми ( $P<0,001$ ) фонида пневмония кечган, 18,5% болаларда сепсис ривожланган.

Туғма иммунитетнинг кўрсаткичларини ЎРВ инфекциялар (парагрипп, риновируслар, аденоvируслар ва респиратор трактнинг бошқа вируслари) билан касалланган касалликни ўткир босқичида (11 нафар бемор) ва тузалиш даврида хасталикни бошланишидан 7-10 суткасида (20 нафар бемор) текширилди. Сўлак таркибида sIgA миқдори аниқланди, қон зардобида - ИФН-g ва ИЛ-10 цитокинлар миқдори текширилди, ва касалликни ўткир даврида ИФН-g ва ИЛ-10 цитокинлар концентрацияси ошганлиги қайд этилди. Касаллик 7-10 суткасида ИФНg миқдори пасайди, ИЛ-10 миқдори ўзгаришсиз қолди. Секретор IgA касалликни ўткир даврида аксарият bemорларда контрол гурухи нисбатан 1,5 баробар паст бўлди, 7-10 суткага эса 1,2 бараварга ошди, аммо контрол гурухи кўрсаткичидан ишонарли паст эди. ИФНg ва ИЛ-10 цитокинларнинг миқдори ошганлигича қолган, sIgA-нинг миқдори назорат гурухи кўрсатгичигача тикланмади, ўз ўрнида оғиз ва бўғизнинг шиллиқ қаватида адаптив иммунитет етарлича тикланмаганлигини исботи дегани.

Ревматик касалликлар билан оғриган 48 нафар bemорларнинг синовиал суюқлиги (СС) текширилди. Улардан 2 нафарини тизимли склеродермия, 1 нафардан подагра ва анкилизловчи спондилит, 5 нафарини деформацияланувчи остеоартроз (ДОА) ва 37 нафарини эса ревматоид артрит (РА) билан оғриган bemорлар ташкил қилди. RA билан оғриган bemорларнинг серонегатив вариантида, серопозитив вариантига нисбатан ССдаги умумий оқсил миқдори 1,74 марта баланд эканлиги аниқланди. RA билан оғриган bemорларда 20% ҳолларда ССда ревматоид омил топилмаслиги, қон ва синовиал суюқликдаги ревматоид омил миқдори ўртасида боғлиқлик йўқлиги кузатилди. РАнинг серопозитив вариантига нисбатан серонегатив вариантида глюкоза миқдорида 1,2 марта ишончли фарқ аниқланди. RA ва остеоартроз билан оғриган bemорларда бўғим суюқлиги таркибидаги фарқлар аниқланиб, бунда RA билан оғриган bemорларда СС таркибидаги лейкоцитлар миқдори ДОАга қараганда 3 баробар, ДОАда моноцитлар миқдори РАга нисбатан 1,9 баробар юқори эканлиги ва аксинча, РАда лимфоцитлар миқдори ДОАга нисбатан 2 баробар баландлиги намоён бўлди.

Остеоартритни қўзғатиши усуулари каламушларда ўтказилган тажрибада синовдан ўтказилди. Кимёвий сабаб бўлган гонартрознинг оптималь ва ишончли модели олинди, ундан преклиник тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. Яллиғланиш жараёнининг ўткирлигини тасдиқловчи трансляцион ҳайвонларнинг иммунологик ҳолатини ўрганиш ўтказилди. Тизза бўғимининг хафтага ва суяқ тўқимасини морфологик ва гистологик

текшириш учун протокол тузилди. Ўзбекистон бўйича сўнгги 20 йил давомида адабиёт маълумотларига мавзули патент қидируви ўтказилди.

Илмий тадқиқот мавзуси бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида яшовчи плацента етишмовчилиги бўлган аёллар контингенти аниқланди. Текширувдан 103 нафар плацента етишмовчилиги билан касалланган ҳомиладор аёллар (хар бир ҳудуддан 34-35 нафар ҳомиладор аёллар) ўтказилди ва физиологик нормал ҳомиладор бўлган 55 нафар аёл назорат гурухини ташкил етди. Барча текширилган аёллар 24 ёшдан 36 ёшгacha бўлган, ҳомиладорликнинг 2-3 триместрида эдилар. Асосий гурухнинг ҳомиладор аёллари оғирлик даражасига кўра 2 кичик гурухга бўлинган: 1-кичик гурухда плацента етишмовчилигининг 16 даражаси бўлган 74 нафар аёл, 2-кичик гурухда 2-даражали плацента етишмовчилиги бўлган 29 нафар аёл ташкил қилди. Иммунологик тадқиқотлар учун биоматериал (турли хил яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар ва ўсиш омиллари) тўпланган. Иммунологик тадқиқотлар натижалари статистик ишлов бериш босқичида.

Постковид синдромида (ПКС) коронавирус инфекциясига чалинган одамларнинг 20-40% гача узоқ муддатли ( $>12$  ҳафта) аломатлари кузатилади. Беморларнинг аутоиммун ҳолати аутоантитаначалар мажмуасини аниқлаш билан баҳоланди (АНА, АНСА, АМА, битта занжирли ДНКга антитаначалар, ТПОга антитаначалар). 25,1% ҳолларда бир занжирли ДНКга аутоантитаначалар, 18,3% ҳолларда антинуклеар аутоантитаначалар, тиропироксидаза қарши аутоантитаначалар - 31,2% ҳолларда аниқланди. Беморларни шартли равишда икки гурухга бўлиш мумкин бўлди: биринчи гурухга юқоридаги аутоантитаначалардан камида биттаси ижобий бўлган bemorlarning 43,1%, иккинчи гурухга ўрганилган барча аутоантитаначаларнинг қийматлари салбий бўлган bemorlar киритилган ва улар барча ҳолатларнинг 56,9% ни ташкил қилган.

Генитал инфекциялари мавжуд ва генитал инфекциялари йўқ бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг 12 ҳафтасигача бўлган даврда иммунологик параметрларнинг ўзгариши ўрганилди. Жинсий инфекциялари бўлмаган аёлларга нисбатан генитал инфекциялари бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг 12 ҳафталигигача бўлган даврда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши интерлейкинлар билан солиштирганда иммунитетнинг хужайрали алоқаларида камроқ ўзгаришлар кузатилди. Ушбу ўзгаришлар сезиларли яллиғланишга хос иммунитетнинг йўқлигини кўрсатиши мумкин ва эрта ҳомиладорликнинг қулай кечишига ва тўлиқ ҳомиладорликнинг ривожланишига ёрдам бериши мумкин.

### **Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси бўйича эришилган асосий натижалар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 августидаги “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисидаги” РQ-361-сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрациясининг, 2023 йил 22 марта 02-РА 1/1-439- сон топшириғига мувоғиқ 2023 йилнинг 4–8 сентябрь кунлари ЮНЕСКО нинг штаб-квартирасида (Париж) аллома ҳётига оид халқаро қўргазма ва илмий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиша фаол иштирок этилди. Қарор доираси :

- Abu Rayhon Beruni: Geographical and Intellectual Journeys, published in Italy. 2023 номли китобга проф. Noemie Verdon билан бирга ҳаммуҳаррирлик қилди.

- Абу Райхон Беруний илмий меросининг жаҳон фани ривожидаги ўрни номли халқаро илмий конференцияни Тошкентда ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ва ушбу номдаги конференция материалларини нашр этишда фаол иштирок этди.

Абу Райхон Берунийнинг 1050 йиллиги муносабати алломанинг тўлдирилган ва қайта ишланган “Танланган асарлар”ининг тўққизта жилди нашр этилди. Олимнинг “Ҳиндистон” асари қорақалпоқ тилида чоп қилинди.

“O‘zbek tilining katta imlo lug‘ati” ва “O‘zbek tilining o‘quv imlo lug‘ati” нашр этилди.

тўрт жилдлик Алишер Навоий энциклопедияси нашрга тайёрланди.

Ўзбекистон ҳунармандчилигига бағишлиланган китоб-альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларида, Ўзбекистон санъати анъанавий атамаларига бағишлиланган рус тилида энциклопедия нашр этилди.

Конституциявий ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда фуқаролик қонун хужжатларидаги шахсий ҳукуқ ва эркинликлар боғлиқ фуқаролик-ҳукуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш масалалари таҳлил этилди

Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарих давлат музейи, Санъатшунослик институти ноёб осори-атиқалари, Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар 2022-2023 йилларда Франциянинг Лувр (Карvon йўллари ) ва Араб дунёси (“Самарқандга йўл”) музейларида, Жидда шаҳрида ўтказилган I Халқаро Ислом санъати биенналесида, шунингдек Берлин шаҳрида “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар салтанатигача” номли халқаро қўргазмада ҳамда Хитой Халқ Республикасидаги “Гугун” император саройи музейида “Бир макон, бир йўл” доирасидаги маданий мерос ва археология соҳасида ҳамкорлик археологик қўргазмасида намойиш этилди

Ахсиент ёдгорлигига бағишлиланган «Ахсиент археология парки» китоб-альбоми нашр этилди.

Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлигининг шаҳристонида жойлашган ДТ-40 обьектида олиб борилган археологик қазиши маънанинг натижасида кушон-сосоний даври маданий қатлами очилди;

Бақтрия-Тоҳаристон ҳудудидаги антик давр шаҳарлари маданияти, тангалардаги рамзлар, кушонлар давридаги энг йирик буддавийлик ибодатхоналаридан бири бўлган Қоратепа ёдгорлигидан топилган ноёб деворий суратлар тадқиқ этилди;

Шовот туманида жойлашган ўнг қирғоқ Кат қалъа ҳудудида олиб борилган археологик экспедиция натижасида Хоразм қадимги давр маданиятига оид ноёб топилмалар Хоразм Маъмун академияси қошидаги музей экспозицияга кўргазма учун топширилди.